

01/1-02-02-116
Ч.К. 22 у

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Самарқанд вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи в.б.



Ш.Абдиев

**Вилоят статистика бошқармасининг Кенгаш йиғилиш
БАЁНИ № 4**

2022 йил 4 ноябрь

Самарқанд ш.

Раислик қилувчи: -Ш.А.Абдиев – Вилоят статистика
бошқармаси бошлиғи в.б.

Қатнашдилар: -Бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари,
бўлим бошлиқлари, туман (шаҳар)лар
статистика бўлимлари бошлиқлари (рўйхат
бўйича)

КУН ТАРТИБИ

Давлат статистика тизимини¹ такомиллаштириш юзасидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг хужжатлари
ҳамда топшириқларида белгилаб берилган вазифаларнинг статистика
органларида ўтган 2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида амалга
оширилган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар тўғрисида

*(Ш.Абдиев, Т.Сидиков, А.Суюнов, З.Давронов, тармоқ ва туман-шаҳар
статистика бўлим бошлиқлари, Ш.Абдиев)*

Кенгаш йиғилишини вилоят статистика бошқармаси бошлиғи в.б.
Ш.Абдиев очик деб эълон қилиб, кун тартиби билан йиғилиш
иштирокчиларини таништирди.

Кун тартибидаги масала юзасидан бошқарма бошлиғи в.б. Ш.Абдиев
маъруза қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил
22 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга
мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон
қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга доир Давлат
Дастури” доирасида тизим олдида белгилаб берилган топшириқларни сўзсиз,
сифатли ва ўз муддатида ижросини таъминлаш борасида 2022 йилнинг
январь-сентябрь ойларида амалга оширилган ишлар ҳамда статистика
органлари олдида турган келгусидаги устувор вазифалар ҳақида гапириб
ўтди.